

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**БОЛТОНОВА ФЕРУЗА ГАНЖАБОНОВА**

**COVID-19 БЕМОРЛАРИДА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИДАГИ  
БУЗИЛИШЛАРНИ ТУЗАТИШ УСУЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ  
БАҲОЛАШ**

**14.00.29 – Гематология ва трансфузиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Болтоева Феруза Ганжабоевна**

COVID-19 беморларида гемостаз тизимидаги

бузилишларни тузатиш усуллари самарадорлигини баҳолаш..... 3

**Болтоева Феруза Ганжабоевна**

Оценка эффективности методов коррекции нарушений в системе

гемостаза у больных COVID-19..... 25

**Boltoyeva Feruza Ganjaboyevna**

Assessment of the effectiveness of methods for correcting disorders in the

hemostasis system in patients with COVID-19..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**БОЛТОНОВА ФЕРУЗА ГАНЖАБОНОВА**

**COVID-19 БЕМОРЛАРИДА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИДАГИ  
БУЗИЛИШЛАРНИ ТУЗАТИШ УСУЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ  
БАҲОЛАШ**

**14.00.29 – Гематология ва трансфузиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2555 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бабаджанова Шоира Агзамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бобоев Қодиржон Тухтабаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Болтаев Камол Жумаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел.: +998-78 150-78-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Д. Махмудова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда коронавирус инфекцияси (COVID-19) ва унинг постковид синдром деб номланувчи асоратлари кенг тарқалган ва тиббиётдаги долзарб муаммога айланиб улгурди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) статистик маълумотлари шуни кўрсатадики, «COVID-19 пандемияси бошланишидан шу кунгача 771 549 718 ҳолат кузатилган. Шундан Европа мамлакатларига 276 670 008, Тинч океани ғарбий қисмида 207 400 028, Америкада 193 318 236, Осиё давлатларида 61 208 525, Ўрта ер давлатларида 23 398 767 ва Африка қитъасида 9 553 390 касалланиш аниқланган. Бу беморлар орасида ўлим 6 974 476 та бўлиб, ҳозирги кунда касалликнинг ўсиш ҳолати ҳафтасига 31 939 тани ташкил этади..»<sup>1</sup>. COVID-19 билан оғриган беморларда гемостаз коагуляцион босқичининг бузилиши жуда кўплаб тромботик асоратларга сабабчи бўлди. Бу ҳолатни айниқса гиподинамия, ўткир ва сурункали ҳамроҳ касалликлар, кекса ёш каби омиллар яънада кучайтирди. Дунёдаги кўплаб тадқиқотлар постковид синдромнинг ривожланиш механизмларини топишга, беморларнинг ногиронлик ва ўлим хавфини камайтирадиган реабилитация чораларини ишлаб чиқишга қаратилган. Шу муносабат билан, постковид синдромнинг клиник ва патогенетик хусусиятларини ўрганиш ҳамда унинг асоратларини ҳисобга олган ҳолда беморларни даволашнинг муқобил тактикасини аниқлаш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммосидир.

Жаҳонда COVID–19 гемостаз тизими бузилишини ўрганиш ва даволашга оид кўплаб илмий тадқиқотлар бажарилди. Жумладан, COVID-19 этиологияси ва патогенези, клиник белгилари, ўпка, жигар, буйрак, юрак – қон томир, асаб, ошқозон – ичак тизимининг зарарланиши, ўткир респиратор дистресс синдроми (ЎРДС) ривожланиши ва унинг ҳавфи, тарқалган томир ичи ивиш синдроми, ўлим даражаси ва унинг ҳавф омиллари, COVID-19 лаборатор диагностикаси, томир-тромбоцитар ва коагуляцион бузилишлар, фибринолитик тизимдаги ўзгаришлар ҳамда D-димер миқдорининг ошиши, инструментал текширишлар, жумладан рентгенологик тадқиқотлар, касалликни олдини олиш, бирламчи ва иккиламчи профилактика, COVID-19 ни даволаш, парваришлаш, касаллик реабилитациясига бағишланган ишлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини яънада юксалтириш, амалга оширилаётган ислохатлар асосида аҳоли орасида юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш, ўз вақтида ташхислаш ва даволашга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилмоқда, жумладан COVID-19 ва унинг асоратларини ташхислаш ҳамда даволашни янги усуллари ишлаб чиқилмоқда. «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, у бўйича эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашиш эҳтимоли белгиларини ўз вақтида аниқлаш ва касалланиш хавфини камайтириш ҳамда беморларга малакали тиббий ёрдам

<sup>1</sup>«Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 25.05.2023 ҳисоботи» <https://covid19.who.int/>

кўрсатишга қаратилган профилактик ва эпидемияга қарши кечиктириб бўлмайдиган зарур тадбирларни амалга ошириш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу вазифаларни бажариш мамлакатимизда COVID-19 ва унинг асоратларини ўз вақтида ташхислаш ҳамда даволашни яънада такомиллаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда янги усулларни қўллаш орқали оғир тромбоемболик асоратларни олдини олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария–эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199 «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 26 мартадаги ПҚ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда сўнгги 3 йил ичида COVID-19 ни ўз вақтида ташхислаш, самарали даволаш ва оғир асоратларини олдини олишга оид тадқиқотлар талайгина, адабиётларда турли хил ташхислаш ва даволаш усуллари келтирилган, бироқ энг самарали даволаш усулини аниқлаш, COVID-19 билан касалланган беморларда кечки асоратларни даволаш ва олдини олиш учун яъна кўплаб тадқиқотлар олиб бориш лозим. Таі W. ва ҳаммуаллифларининг маълумотларига кўра, SARS-CoV-2 нинг вирулентлиги вирус ташқи қобиғидаги S протеинли рецепторига боғлиқ бўлиб, у одам организмидаги ангиотензин-айлантирувчи фермент 2 рецептори билан таъсирлашади ва хужайранинг ичига киради (Таі W. et al, 2020). Одам организмида ACE2 рецептори кенг тарқалган бўлиб, ўпка тўқимасида, қон томирлар эндотелиал хужайралирида, ошқозон–ичак тизимида, буйракда, жигар ва ўт йўллари хужайралирида, кўз конъюнктиваси, ошқозон ости беzi хужайраларида бор (Tang N et al, 2020).

COVID-19 билан касалланган беморларда ҳаддан ташқари кўп яллиғланиш цитокинларининг ошиб кетиши иммун тизимни ишдан чиқаради, ўта кучли иммун реакция эса “цитокин бўрони” ни келтириб

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.08.2020 йилдаги 461-сон «Коронавирус инфекциясини юктирган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

чиқаради (Wang Y.D. et al, 2020). «Цитокин бўрони» бутун организмда тарқалган эндотелий дисфункциясига олиб келади (Lin L. et al, 2020), бу эса биринчи навбатда ўпкада яллиғланиш жараёни билан бирга унинг томирларида кучли қон қўйилиш ҳолатлари, микро ва макротромбозлар, қон айланишини бузилиши, организмда кислород танқислиги, ЎРДС га олиб келади (Lodigiani C. et al., 2020). Шу билан бирга, эндотелиал дисфункция натижасида прокоагулянтлар фаоллашади ва гемостаз тизимида гиперкоагуляция кузатилиб, турли хил калибрдаги қон томирларда тромбозлар ривожланади (Arachchillage D.R. et al, 2020).

Ўзбекистонда охириги йилларда А.Г.Гадаев, Ш.Я.Зокирхўжаев, А.Н.Арипов, Н.М. Нуриллаева, Х.А. Акиловлар бошчилигида сурункали юрак етишмовчилиги ва COVID–19 да буйраклар функционал захираси ва гемодинамик кўрсаткичлари, COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали гепатит ва жигар циррозида клиник-иммунологик ва функционал-метаболик ўзгаришлар, COVID-19 да сурункали юрак етишмовчилигининг ривожланишида фиброз биомаркерининг прогностик аҳамияти, COVID–19 пандемиясида аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, коронавирус инфекциясининг сероэпидемиологик таҳлиллари асосида профилактик ва эпидемияга қарши чора–тадбирларни такомиллаштириш баҳоланган.

Коронавирус инфекциясида гемостаз тизими кўп томонлама ўрганилган бўлсада, гиперкоагуляция билан кечадиган постковид синдромида гемостазнинг ҳолати ва даволаш чораларининг самарадорлиги кўриб чиқилмаган. COVID–19 нинг кечки асоратлари бўлган сон суяги бошчасининг асептик некрози, каверноз синус тромбози, чуқур веналарнинг тромбози каби постковид асоратларда гемостаз тизими ва ундаги ўзгаришларни даволаш чоралари охиригача ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий–тадқиқот ишлари режасининг №01.1800233 «Қон тизими касалликларининг клиник биокимёвий ва молекуляр–биологик аспекти. Донорлик муаммолари» (2018–2023 й) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** COVID-19 ўтказган ва постковид синдром билан касалланган беморларда гемостазиологик бузилишларни ўрганиш ва антикоагулянт терапия самарадорлигини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

COVID-19 да тромботик асоратларни олдини олиш учун антикоагулянт терапия билан даволаш самарадорлигини баҳолаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда коагуляцион гемостаз кўрсаткичларини аниқлаш;

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда антикоагулянт терапиянинг асоратларини ўрганиш;

постковид синдром билан касалланган беморларда коагуляцион гемостаз ҳолати ва тромбозэмболик асоратларини аниқлаш;

постковид синдром билан касалланган беморларда коагуляцион гемостаз патологиясида даволашни такомиллаштириш;

постковид синдром билан касалланган беморлар учун антикоагулянт терапия алгоритми ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2021-йилда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида COVID-19 билан касалланган 187 нафар, 2022-2023 йилларда постковид синдром билан 100 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлар веноз қон материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида умумий клиник, гематологик, коагулологик, биокимёвий, инструментал, иммунологик ва статистик текшириш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда ўрта молекуляр гепарин билан даволашда паст молекуляр гепарин билан даволашга нисбатан антикоагулянт таъсир кучлироқ бўлди, шунинг учун ўрта молекуляр гепарин билан даволаганда геморрагик асоратлар 11,8% ҳолатда кузатилган бўлса, паст молекуляр гепарин билан даволашда 1,6% беморда кузатилиши исботланган;

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда коагуляцион гемостазда касалликнинг кучайиши билан гиперкоагуляция белгилари мавжудлиги аниқланган;

постковид синдром асоратларидан бўлган сон суяги бошчасининг асептик некрози, каверноз синус ва оёқ чуқур веналар тромбозида гемостазиологик ўзгаришларни текширганда гиперкоагуляцион ўзгариш борлиги аниқланган;

постковид синдром билан касалланган беморларда амбулатор даволаш учун перорал антикоагулянт терапияни коагулограмма назорати остида узоқ муддат қабул қилиш афзаллиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан оғриган беморларда гемостаз тизимида гиперкоагуляция борлиги ўрганиб чиқилган

COVID-19 билан оғриган беморларда гиперкоагуляцияни бартараф этиш учун паст молекуляр гепарин ва ўрта молекуляр гепарин билан даволаш самараси солиштирма баҳоланган;

постковид синдром билан оғриган беморларда коагуляцион гемостаз тизимида кучли ўзгаришлар борлиги очиқ берилган;

постковид синдромда тромботик асоратларнинг олдини олиш учун гемостаз бузилишларини эрта лаборатор ташхислаш ва узоқ вақт даволаш тасдиқланди.

постковид синдроми билан оғриган беморларни эрта ташхислаш, даволаш ва мониторинг қилиш учун «постковид синдроми бўлган беморлар учун антикоагулянт терапия алгоритми» ишлаб чиқилди

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида замонавий диагностик усуллардан фойдаланилганлиги, назарий билимларнинг амалий

натижаларга мутаносиблиги, тадқиқотда қўлланилган текширувларнинг мантикий тўғри келиши, олинган беморлар миқдорининг кўплиги, олинган натижалар умумий клиник, гематологик, коагулологик, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, шунингдек, COVID-19 да коагуляцион гемостаз тизими бузилиши, постковид синдромни этиопатогенези, клиникаси, лаборатор ҳамда асбобий тадқиқот усуллари ва даволаш усуллари халқаро ҳамда маҳаллий олимларнинг маълумотлари билан солиштирилганлиги, келтирилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 5-7% COVID-19 билан касалланган беморларда кечки даврларда ҳам гиперкоагуляция сақланиб қолиши ва тромбозэмболик асоратлар ривожланиши постковид синдром ривожланишининг асосий механизми эканлигининг аниқланганлиги, унда гемостаз коагуляцион босқичи патологияси ёритилганлиги, COVID-19 билан касалланган беморларда кечки даврларда ҳам гемостаз тизимини назорат қилиш ва гиперкоагуляция сақланиб қолган беморлар стандарт давосига антикоагулянт терапияни буюриш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда ўрта молекуляр гепаринга нисбатан паст молекуляр гепарин самарадор эканлиги ва геморрагик синдром каби асоратлар кам ривожланганлиги, постковид синдромни олдини олиш мақсадида COVID-19 билан касалланган беморларда кечки даврларда ҳам гемостаз тизимини назорат қилиш ҳамда гиперкоагуляция аниқланганда аликсабан тавсия этилганлиги, ўлим кўрсаткичи, даволаниш куни камайиши, сарфланувчи маблағларининг тежалиши, бемор ҳаёт сифатини сақлаб қолувчи тадқиқот натижаларига асосланган амалий тавсияномалар амалиётга татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Коронавирус инфекциясида гемостазиологик ўзгаришлар ва уларни бартараф этиш мақсадида тавсия этилган самарали антикоагулянт даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида;

Коронавирус инфекциясида гемостаз тизими бузилиш хусусиятларини ташхислаш ва гемостаздаги ўзгаришларни даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар Республика махсус 1-сон Зангиота юқумли касалликлар шифохонасига 18.07.2023 йилдаги 134-н буйруқ ҳамда, Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 10.07.2023 йилдаги 93-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда ўрта молекуляр гепарин билан даволашда паст молекуляр гепарин билан даволашга нисбатан антикоагулянт таъсир кучлироқ бўлди, шунинг учун ўрта молекуляр гепарин билан даволаганда геморрагик асоратлар 11,8% ҳолатда кузатилган бўлса, паст молекуляр гепарин билан даволашда 1,6% беморда кузатилиши исботланган. COVID-19 билан оғриган беморларда гиперкоагуляцияни

бартараф этиш, тромботик асоратларни даволаш ва олдини олиш учун ўрта молекуляр гепарин ўрнига паст молекуляр гепаринни амалиётга татбиқ қилинишида бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларидан 432 000 сўмга, 250 нафар бемор учун эса 108 000 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда коагуляцион гемостазда касалликнинг кучайиши билан гиперкоагуляция белгилари мавжудлиги аниқланган. Таклиф қилинган коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда коагулограмма лаборатор текшириш усулини татбиқ этиш натижасида беморлардаги гиперкоагуляцион синдромда кузатилиши мумкин бўлган асоратлар олди олинган, ҳамда бартараф этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилиб, тадқиқотга жалб қилинган умумий беморлар ҳисобидан 78 000 000 сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилган.

Постковид синдром асоратларидан бўлган сон суяги бошчасининг асептик некрози, каверноз синус ва чуқур веналар тромбозидида гемостазиологик ўзгаришларни текширганда гиперкоагуляцион ўзгариш борлиги аниқланган. Постковид синдром билан касалланган касалланган беморларда коагуляцион гемостазни 6 ойгача назорат қилиш ва гиперкоагуляцион синдром ташхисланганда тавсия этилган ташхислаш усулларида фойдаланиш постковид синдром асоратларини олдини олади ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллаш имконини берди. Натижада беморнинг шифохонада даволанишлари 4 кунга қисқариб, бюджет маблағларининг 40% кам сарфланишига имкон берган

Постковид синдром билан касалланган беморларда амбулатор даволаш учун перорал антикоагулянт терапияни коагулограмма назорати остида узоқ муддат қабул қилиш афзаллиги аниқланган. Постковид синдромда гиперкоагуляцияни бартараф этиш мақсадида апиксабан препаратини амалиётга жорий қилиш COVID-19 кечки асоратларини олдини олиш, ўз вақтида лаборатор ташхислаш, тромботик асоратлар ривожланиши ва ўлим ҳолатларнинг олдини олиш, касалликни даволаш вақтини камайтириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини сақлаб қолиш учун таклиф қилинган даволаш усули иқтисодий самарадорлиги 1 нафар бемор учун 2 кунга 432 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган

Олинган натижаларни амалиётга татбиқ этилиши коронавирус инфекциясида учрайдиган гемостаз патологиясини лаборатор ташхислаш сифатини яхшилаш, тромбоэмболик асоратлар ривожланиши ва ўлим ҳолатларнинг олдини олиш, касалликни даволаш муддатини қисқартириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. Болтоева Феруза Ганжабоевнанинг «COVID-19 беморларида гемостаз тизимидаги бузилишларни тузатиш усуллари самарадорлигини баҳолаш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали директорининг 2023- йил 17- июлдаги 03-5/4604-сонли, 2023- йил 07- июлдаги 03-5/4404-сонли хатлари юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, бешта боб, якуний қисм, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертация ишининг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, объект ҳамда предмет тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мувофиқлиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий текшириш натижалари, олинган натижалар илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг **«COVID-19 да коагуляцион гемостаз патологияси тўғрисидаги замонавий талқин (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида COVID-19 нинг этиологияси ва патогенези, коронавирус инфекциясининг клиник-лаборатор диагностикаси, унда гемостаз ўзгаришларининг клиник-лаборатор диагностикаси ва даволаш тамойиллари чуқур ўрганиб чиқилган.

Диссертация **«COVID-19 нинг ўткир ва постковид даврида гиперкоагуляцияни ўрганиш материаллари ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва методлари келтирилган. Клиник текширишлар Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказий шифохонасида COVID-19 даволаш бўлимида 2021 йил давомида коронавирус инфекцияси билан касалланган 187 нафар беморлар ва 2022-2023 йилда 100 нафар постковид синдроми (ПКС) билан касалланган беморларда тадқиқот олиб борилди (1–расм).

Барча текширилган беморлар 3 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ 56 нафар ўрта оғир даражали COVID-19, 2-гуруҳ 61 нафар оғир даражали COVID-19 ва 3-гуруҳ 70 нафар ўта оғир даражали COVID-19 билан касалланган беморлардан иборат бўлди. Хоразм вилоят кўп тармоқли клиникасида 100 нафар постковид синдром билан касалланган беморларда тадқиқот олиб борилди. Постковид синдром билан касалланган беморларнинг 54 нафарида (54%) сон суяги бошчасининг асептик некрози (ССБАН), 13 нафарида (13%) каверноз синус тромбози (КСТ) ва 33 нафарида (33%) оёқ чуқур веналарнинг тромбози (ОЧВТ) кузатилди. Назорат гуруҳи асосий

гурухдаги беморларга жинси ва ёши бўйича мос 30 нафар амалий соғлом одамдан ташкил топди.



**1-расм. Тадқиқот материаллари**


Ташхис қўйишда “Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсиялар” 8–таҳририда келтирилган ташхисий мезонлардан фойдаланилди (ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 апрелдаги 82–сон буйруғи). Тадқиқотдаги COVID-19 билан касалланган 187 нафар беморларда унинг ташхиси иммунофермент анализда COVID-19 га қарши IgM мусбат бўлиши ва молекуляр генетик тадқиқотларда COVID-19 РНКсини аниқлаш натижалари орқали қўйилди. Шу билан бирга, COVID-19 оғирлик даражасининг асосий мезонларидан бўлган интерстициал пневмониянинг даражасини аниқлаш учун беморларга кўкрак қафаси мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ўтказилди.

Гематологик тадқиқотлар Mindray BC-20 (Хитой) гематологик анализаторида Mindray (Хитой) реагентларини қўллаган ҳолда, гемостазиологик тадқиқотлар HumaClot Junior (Германия) коагулометрида Human (Германия) реагентлари ёрдамида амалга оширилди. HumaClot Junior –ярим автоматик коагулометр бўлиб, протромбин вақтини (ПТВ), фаол қисман тромбопластин вақтини (ФҚТВ), тромбин вақтини (ТВ), фибриноген ва бошқа ивиш синамаларни аниқлаш учун мўлжалланган.

Олинган натижалар вариацион статистика усуллари билан ишланди. Ҳисоб ва статистик таҳлил Window’s учун мўлжалланган статистик пакет қўлланган ҳолда амалга оширилди. Барча маълумотлар ўртача ± стандарт силжиш (SD) сифатида кўрсатилди.

Диссертациянинг «Коронавирус инфекциясида коагуляцион гемостаз патологияси» деб номлаган учинчи бобида беморлар шикоятлари, ҳаёт ва касаллик анамнези, объектив белгиларга асосланган ҳолда ўрганилди. Гиперкоагуляцион синдромни аниқлаш учун фаол қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ) қон ивишининг 1-босқичига баҳо берса, 2- босқичини протромбин вақти (ПТВ) тавсифлайди. Коагуляцион каскад 3-босқичини фибриноген ва тромбин вақти (ТВ) кўрсатади. Шу билан бирга D-димер, яллиғланиш маркерлари бўлган ферритин, прокальцитонин ва С- реактив оқсил ҳам текширилди.

Қон коагуляциясининг дастлабки босқичини баҳолаш мақсадида ФҚТВ касаллик оғирлик даражасига мос равишда қисқарди ва гиперкоагуляцияга олиб келди (2-расм).



**2-расм. COVID-19 да қон коагуляциясининг ФҚТВ таҳлили**


Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларга нисбатан фарқлар сезиларли (\* - $p<0,05$ , \*\* - $p<0,01$ , \*\*\* - $p<0,001$ )

Назорат гуруҳига нисбатан 1, 2 ва 3-гуруҳларда ФҚТВ ҳам сезиларли даражада қисқарди. 1-гуруҳда ФҚТВ  $25,4 \pm 2,2$  сек., 2-гуруҳда  $21,0 \pm 1,5$  сек \*\*, 3-гуруҳда  $18,9 \pm 1,1$  сек.\*\*\*, назорат гуруҳида эса ФҚТВ  $29,1 \pm 1,3$  сек. ни ташкил этди. COVID-19 билан оғриган асосий гуруҳ беморларида ФҚТВ касаллик оғирлик даражасига мос равишда қисқарди ва гиперкоагуляцияга олиб келди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, COVID-19 бўлган беморларда коагуляцион гемостазнинг дастлабки босқичида аниқ гиперкоагуляцион бузилишлар кузатилган.

Коагуляцион гемостазнинг дастлабки 2та босқичини VII, V, X ва II омилларнинг фаоллиги таъминлайди. Бу эса ПТВда акс этади. ПТВнинг камайиши гиперкоагуляцияга мойиллигини кўрсатади. Тадқиқотлар COVID-19 бўлган 1, 2 ва 3-гуруҳлардаги беморларда гемостаз тизимининг

гиперкоагуляцияга томон кучли силжишини кўрсатди. Бунда назорат гуруҳига нисбатан 1, 2 ва 3-гуруҳларда ПТВ ҳам сезиларли даражада қисқарди. 1-гуруҳда ПТВ  $11,9 \pm 1,3$  сек., 2-гуруҳда  $9,9 \pm 1,1$  сек.\*, 3-гуруҳда  $8,1 \pm 1,0$  сек.\*\*\*, назорат гуруҳида эса ПТВ  $13,4 \pm 1,1$  сек. ни ташкил этди (3-расм).



**3-расм. COVID-19 да протромбин вақти кўрсаткичлари**

Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларга нисбатан фарқлар сезиларли (\* - $p < 0,05$ , \*\* - $p < 0,01$ , \*\*\* - $p < 0,001$ )

COVID-19 билан оғриган асосий гуруҳ беморларида ҳам ПТВ касаллик оғирлик даражасига мос равишда қисқарди ва гиперкоагуляцияга олиб келди. Келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, COVID-19 бўлган беморларда плазма гемостазининг биринчи ва иккинчи босқичида ҳам аниқ гиперкоагуляцион ўзгаришлар кузатилган. Қон коагуляциясининг 3-босқичида корнавирус билан касалланган беморларда плазмада фибриноген концентрациясининг сезиларли даражада ошиши қон ивиш тизимида гиперкоагуляцион ўзгаришлар борлигини тасдиқлади.


Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, COVID-19 билан оғриган беморларда қон ивиш плазма гемостазининг ҳар учала босқичида гиперкоагуляцион ўзгаришлар аниқланди. Мазкур ўзгаришлар касаллик прогрессивланиши билан кучайиб борди. COVID-19 билан оғриган беморларда гиперкоагуляция асосан ҚИВ, ФҚТВ, ПТВ, ТВ, ХНМ нинг камайиши, фибриноген, ПТИ, D-димернинг ортиши каби белгиларда кўринди.

Диссертациянинг «COVID-19 да коагуляцион гемостаз патологияси ва даволаш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида COVID-19 ни даволаш мақсадида коронавирус базис терапияси касаллик даражасига мос равишда тўлиқ қўлланилди. Беморларга стандартларга мос равишда антивирус, антиагрегант, симптоматик даво

Ўтказилди. Гемостаз коагуляцион тизимидаги гиперкоагуляцияни даволаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида 2- ва 3-гуруҳ беморларига антикоагулянт терапия ўтказилди. Ўрта молекуляр гепарин (ЎМГ) 2-гуруҳда 30 нафар беморларга ва 3-гуруҳда 33 нафар беморга. Паст молекуляр гепарин (ПМГ) 2-гуруҳдан 31 нафар беморларга ва 3-гуруҳдан 37 нафар беморларга тавсия этилди. Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда ўрта молекуляр гепарин ва паст молекуляр гепаринни беморларнинг тана вазнига қараб ва оғирлик даражасига қараб буюрилди. ЎМГ бевосита антикоагулянт бўлиб, флаконда 5 мл 25 000 Б ишлаб чиқарилади. 1 мл эритмаси 4 маҳал 5 000 Б тери остига буюрилди, ПМГ 40 ёшдан кичик ёки вазни енгил бўлган шахсларга эноксипарин дозаси 1 суткага 10 кг тана вазнига 0,1 мл (10 мг). Тромбозни даволаш дозаси 1,5 мг/кг кунига 1 маҳал ёки 1мг/кг дозада кунига 2 маҳал буюрилди. Антикоагулянт терапиянинг самарадорлиги даволашдан олдин, терапиянинг 5- ва 10-кунларида солиштирилди.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг 2-гуруҳида даволашдан олдин ФҚТВ  $20,2 \pm 1,8$  с бўлса, паст молекуляр гепарин билан даволашнинг 5-кунда бу кўрсаткич  $26,4 \pm 2,4$  сек ни, 10-кунда эса  $32,5 \pm 3,0$  сек\*\* ни ташкил қилди. Ўрта молекуляр гепарин билан даволашдан олдин  $20,1 \pm 1,8$  сек бўлса, даволашнинг 5-кунга келиб  $32,2 \pm 2,8$  сек, 10-кунда эса  $45,4 \pm 4,1$  сек\*\* бўлди. COVID-19 билан касалланган беморларнинг 3-гуруҳида даволашдан олдин ФҚТВ  $16,1 \pm 1,4$  сек бўлса, паст молекуляр гепарин билан даволанганда 5-кунга келиб бу кўрсаткич  $22,4 \pm 2,0$  сек\*\*, 10-кунда эса  $26,1 \pm 2,1$  сек\*\* гача узайди. Ўрта молекуляр гепарин билан даволаш шуни кўрсатдики, кичик молекуляр гепарин самарадорлиги анча юқори бўлди: даволашдан олдин ФҚТВ  $16,0 \pm 1,3$  сек бўлса 5- кунда  $26,4 \pm 2,1$  сек гача, 10-кунда эса  $34,6 \pm 2,9$  сек\*\* гача узайди.

D-димер тромб парчаланиш махсулоти бўлиб, COVID-19 да 2,3 гуруҳларда ошганлиги аниқланди (4-расм).



**4-расм. Антикоагулянт даволаш негизида D-димер таҳлили ( $175 \pm 16$ нг/мл)**

Изоҳ: \* - даволашдан олдинги кўрсаткичга нисбатан фарқ ишончли (\*- $P < 0,05$ ; \*\*- $P < 0,01$ ; \*\*\* -  $P < 0,001$ )

D-димер ўзгаришларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЎМГ билан даволаганда 2,4 баробар, ПМГ билан даволаганда 3 баробар самарали кечди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўрта молекуляр гепарин билан солиштирганда паст молекуляр гепарин билан даволаш самаралироқ бўлиб чиқди, бу коагуляцион гемостазнинг бир қатор кўрсаткичларини нормаллаштиришга олиб келди; фибриноген, Д-димер, ПТИ, ФҚТВ ва бошқалар.

Антикоагулянт терапия самарадорлиги билан бирга унинг асоратлари ҳам ўрганилди. Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда ПМГ билан даволашда геморрагик асоратлар 3 (1,6%) беморда кузатилган бўлса, ўрта молекуляр гепарин билан даволашда бу ҳолат 22 (11,8%) нафар беморда кузатилди. Геморрагик синдром асосан антикоагулянт терапиянинг 7-8 кунда вужудга келиб, тери геморрагиялари 12 нафарда (6,4%), бурундан қон кетиши 10 нафарда (5,3%), ошқозон-ичак тизимидан қон кетиши 8 нафарда (4,3%) ҳолатда намоён бўлди.


Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўрта оғир ва оғир даражали коронавирус инфекциясида коагуляцион гемостазда назорат гуруҳига нисбатан кучли гиперкоагуляция борлиги аниқланди. Антикоагулянт терапия гемостазни самарали равишда нормаллаштиради. Бироқ, ўрта молекуляр оғирликдаги гепаринни буюришда, қон кетишининг олдини олиш учун коагулограммани тез-тез кузатиб бориш керак.

Диссертациянинг **«Постковид синдромда коагуляцион гемостаз патологияси ва даволаш самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган бешинчи бобида постковид синдром ва уни даволаш самарадорлиги келтирилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ПКС ривожланган беморларнинг 66% оғир ва ўта оғир даражали COVID-19 билан касалланган ва шифохонага ётқизилган даврда даволанган, амбулатор даво тавсия этилган бўлсада, улар давони давом эттирмаган ёки охиригача олмаган.

Шу билан бирга, беморларнинг 22% ўрта оғир даражали COVID-19 билан касалланган ва шу кўрсаткичнинг 15% уйда даволанган, даволашни тўлиқ олмаган, деярли барча беморларга турли қон суюлтирувчи дори препаратлари берилган. Бироқ беморлар қон ивиш тизимини назорат қилмаган ва дори препаратларини ўзбошимчалик билан тўхтатишган 12% беморлар анамнездан енгил даражали COVID-19 бўлган, даволанмаган ва текширишдан ўтмаган. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, оғир даражали COVID-19 билан касалланган беморлар деярли 2 баробар кўп бўлган.

Мазкур беморларда ўпка зарарланиши ўрганилганда шу маълум бўлдики, 21% беморларда ўпкада зарарланиш аниқланмаган ёки улар текширилмаган, 11% беморларда ўпка 25% гача зарарланган (КТ 1), 26% беморларда ўпка 25-50% зарарланган (КТ-2), 42% да ўпка 50-75% (КТ-3) зарарланган (5-расм).


Асорат ривожланган беморларнинг 6% да қандли диабет аниқланган бўлиб, шундан 2% COVID-19 дан кейин касалланган. Шу билан бирга, беморларнинг 7% да юрак-қон томир касалликлари, жумладан юрак ишемик касаллиги 4%, артериал гипертензия эса 3% аниқланган. 13% беморларда нафас олиш тизими сурункали касалликлари аниқланган.



**5-расм. Постковид синдром анамнезида ўпкани зарарланиш даражаси, %**

Беморларнинг анамнезини ўрганиш шуни кўрсатдики, аксарият ҳолатларда тромботик асоратлар дастлабки 2-3 ойгача бўлган даврда кузатилган. Тромбоз асосан миокардда, бош миёда, оёқ чуқур веналарида кузатилди. Кам миқдорда каверноз синус тромбози, сон ва бошқа суякларнинг емирилиши (қон томирлар тромбози туфайли асептик некроз), остеомиелит ривожланиб, суяклар остеонекрози қайд этилди.

Постковид синдром (ПКС) да ФҚТВ ни текшириш ҳам қон ивиш тизимида шунга ўхшаш ўзгаришларни тасдиқлади, яъни сон суяги бошчасининг асептик некрози (ССБАН) ташхисланган беморларда ФҚТВ  $16,2 \pm 1,4$  с, каверноз синус тромбози (КСТ) аниқланганда ФҚТВ  $15,4 \pm 1,3$  с, оёқ чуқур веналар тромбози (ОЧТВ) аниқланганда  $16,8 \pm 1,3$  с\*\*\*, назорат гуруҳида ФҚТВ  $29,1 \pm 1,3$  с. ФҚТВ камайиши қон ивиш дастлабки босқичида кескин қуюқлашиш белгиларини кўрсатади (6- расм).



**6-расм. Постковид синдромда фаол қисман тромбопластин вақти, сек.**

Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларга нисбатан фарқлар сезиларли (\* - $p < 0,05$ , \*\* - $p < 0,01$ , \*\*\* - $p < 0,001$ )

Постковид синдром асоратларидан бўлган сон суяги бошчасининг асептик некрози (ССБАН), каверноз синус тромбоз, оёқ чуқур веналар тромбози (ОЧВТ)да ФҚТВ кўрсаткичи 2 баробардан зиёд қисқарди ва бу беморларнинг барчасида қон ивиш тизимида қуюқлашиш борлигини яъна бир бор исботлади.

Мазкур гуруҳ беморларида ПТВ ни текшириш натижалари қуйидагича бўлди: ССБАН бўлган беморларда ПТВ  $9,2 \pm 0,7$  с, КСТ бўлганда  $8,8 \pm 0,8$  с, ОЧВТ кузатилганда  $9,4 \pm 0,8$  с\*\*\*, назорат гуруҳида ПТВ  $13,4 \pm 1,1$  с. ПТВ камайиши қон ивиш дастлабки босқичида кескин қуюқлашиш белгиларини кўрсатди.

Постковид синдромда ПТВ ўзгаришлари қон қуюқлашишдан далолат берди. Бунда ССБАНда ПТВ назорат гуруҳига нисбатан 1,45 баробар қуюлиш томон ўзгарган бўлса, КСТда ПТВ 1,52 баробар, ОЧВТ да эса 1,43 баробар қуюқлашиш томон силжиган.

Постковид синдромда тромбин вақти аниқлаш қуйидаги натижаларни берди: ССБАНда ТВ  $11,3 \pm 1,0$  с, КСТда  $10,8 \pm 0,9$  с ва ОЧВТда  $10,4 \pm 1,1$  с, назорат гуруҳида бу сон  $26,5 \pm 1,7$  с бўлди. ТВ натижалари ҳам қон қуюлганини исботлади: ССБАНда ТВ 2.3 баробар, КСТ ва ОЧВТда 2,5 баробар қисқарди.

Фибриноген қон ивиш тизими фаоллашганда ошади. Постковид синдромда ҳам фибриногеннинг ишончли ортиши кузатилди. ССБАНда фибриноген миқдори  $766 \pm 69$  мг/дл, КСТда  $784 \pm 53$  мг/дл\*\*, ОЧВТда  $820 \pm 75$  мг/дл\*\*\*, назорат гуруҳида эса  $310 \pm 60$  мг/дл бўлди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, постковид синдром ривожланганда фибриноген назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан бир неча баробаргача ошади, жумладан ССБАН ва КСТда 2,5 маротаба, ОЧВТда 2,6 маротабагача ошган.

D-димер тромб ҳосил бўлганлигини кўрсатувчи тромб деградация маҳсулоти ҳисобланиб, постковид синдромда D-димер миқдори кучли ошиши аниқланди. ССБАН билан оғриган беморларда D-димер миқдори  $1244 \pm 82$  нг/мл\*\*\*, КСТ билан касалланганда  $1115 \pm 91$  нг/мл\*\*\*, ОЧВТда  $1538 \pm 114$  нг/мл\*\*\*, назорат гуруҳида эса  $184 \pm 16$  нг/мл ни ташкил этди. Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, D-димер миқдори ССБАНда 6,8 маробаба, КСТда 6,1 марта, ОЧВТда 8,3 баробаргача ошиши аниқланди. D-димер натижаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, энг кучли ўзгариш ОЧВТда кузатилди.

Гиперкоагуляцияни даволаш учун постковид синдром бўлган 100 нафар беморларга 8-10 кун давомида паст молекуляр гепарин 6000 Б. тери остига, даволашни давоми сифатида аликсабан таблеткаси 5мг, 2,5 мг 2 махал per os тавсия этилди. Гемостаз тизими кўрсаткичлари тўлиқ тиклангунча айрим беморларда бу даво 3-4 ойгача давом эттирилди. Даволаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида қон ивиш тизимини 5-кун, 8- кун, 20-кун, 1 ой ва 3 ойдан сўнг қайта текширилди.

Аликсабан бевосита антикоагулянт бўлиб, Ха қон ивиш омилининг фаоллигини селектив ингибиция қилади. Аликсабаннинг антитромботик таъсирини амалга ошириш учун антитромбин III керак эмас. аликсабан эркин ва боғланган Ха ивиш омилини, шунингдек протромбиназа фаоллигини

сусайтиради. Апиксабан тромбоцитлар агрегациясига тўғридан-тўғри таъсир қилмайди, аммо тромбоцитлар агрегациясига тромбин таъсирини камайтиради, ивиш омилининг фаоллигини ингибиция қилиб, апиксабан тромбин ва қон қуйқаларининг шаклланишига тўсқинлик қилади. Апиксабан протромбин вақтини, ХМН ва ФҚТВни узайтиради. Апиксабан ошқозон ичак трактидан тез сўрилади, қондаги максимал дозаси 3-4 соатда кузатилади, ярим чиқиш вақти 12 соатдан иборат.

ССБАНда антикоагулянт негизда ФҚТВни текшириш қуйидаги ўзгаришларни тасдиқлади: даволашдан олдин  $16,2 \pm 1,4$  с, даволашнинг 5-кунида  $23,5 \pm 1,9$  с, 10-кун  $30 \pm 2,6$  с\*\*, 20-кун  $38 \pm 3,6$  с\*\*\*, 1 ойдан сўнг  $44 \pm 4,1$  с\*\*\*, 3 ойдан кейин  $52 \pm 4,5$  с\*\*\* бўлди. Ўхшаш натижа КСТни даволаганда кузатилди: даволашдан олдин ФҚТВ  $15,4 \pm 1,3$  с, антикоагулянтнинг 5-кунида  $22,8 \pm 2,0$  с, 10-кун  $26 \pm 2,7$  с\*\*, 20-кун  $32 \pm 3,3$  с\*\*\*, 1 ойдан сўнг  $39 \pm 3,6$  с\*\*\*, 3 ойдан сўнг  $48 \pm 3,9$  с\*\*\* гача узайди. ОЧВТ кузатилган беморларда қуйидаги натижалар олинди: даволашдан олдин  $16,8 \pm 1,3$  с, ФҚТВ даволашнинг 5-кунида  $23,7 \pm 2,1$  с, 10-кун  $27 \pm 2,5$  с\*\*, 20-кун  $30 \pm 3,1$  с\*\*\*, 1 ойдан сўнг  $36 \pm 3,4$  с\*\*\*, 3 ойдан сўнг  $44 \pm 3,8$  с\*\*\* бўлди. Паст молекуляр гепарин ва апиксабан билан даволаш қон ивиш тизими 1-босқичида қуюқлашиш белгиларини 1 ойга келиб самарали бартараф этишини кўрсатди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Постковид синдромда антикоагулянт терапия негизда фаол қисман тромбопластин вақти, ( $29,1 \pm 1,3$ сек)

Даволаш Муддати	Сон суяги бошчасининг асептик некрози	Каверноз синус тромбози	Оёқ чуқур веналарнинг тромбози
Даволашдан олдин	$16,2 \pm 1,4$	$15,4 \pm 1,3$	$16,8 \pm 1,3$
5-кун	$23,5 \pm 1,9$	$22,8 \pm 2,0$	$23,7 \pm 2,1$
10-кун	$30 \pm 2,6$ **	$26 \pm 2,7$ **	$27 \pm 2,5$ **
20-кун	$38 \pm 3,6$ ***	$32 \pm 3,3$ ***	$30 \pm 3,1$ ***
1 ойдан сўнг	$44 \pm 4,1$ ***	$39 \pm 3,6$ ***	$36 \pm 3,4$ ***
3 ойдан сўнг	$52 \pm 4,5$ ***	$48 \pm 3,9$ ***	$44 \pm 3,8$ ***

Изоҳ: \* - даволашдан олдинги маълумотларга нисбатан фарқлар сезиларли (\* - $p < 0,05$ , \*\* - $p < 0,01$ , \*\*\* - $p < 0,001$ )

